

# ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРДА РЕФЛЕКСИВ ЁНДАШУВ

Д.А.Юнусова  
СамВМИ “Ўзбек тили,  
адабиёти ва хорижий тиллар” кафедраси  
мудири, катта ўқитувчи

## **Аннотация:**

Ушбу мақолада Педагогик жараёнларда ташкил этиладиган рефлексив таълимий мұхит ўқувчи-талабаларда тәнқидий ва таҳлилий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш варивожлантиришга ижодий таъсир кўрсатувчи мұхит, субъектларнинг қизиқишини шакллантириш ва рефлексив ёндашув жараёнида ўқувчи-талабаларни таҳлилий фаолиятга ундашва уларда рефлексияни ривожлантиришборасида сўз юритилади.

## **Калит сўзлар:**

рефлексия, ватанпарварлик, қобилият, фикрлаш, тарихий хотира, имконият, услублар, таълим-тарбия, фаолият, билим, мувофиқлаштириш, субъект, дунёқараш, даража.

## **Abstract:**

This article discusses the reflexive educational environment created in the pedagogical process, the environment that creatively influences the development of students' critical and analytical thinking skills, the formation of interest in subjects and the development of reflection in the process of reflexive approach.

## **Keywords:**

Reflection, patriotism, ability, thinking, historical memory, opportunity, style, education, activity, knowledge, coordination, subject, worldview, degree.

## **Аннотация:**

В статье рассматривается рефлексивная образовательная среда, создаваемая в педагогическом процессе, среда, творчески влияющая на формирование и развитие навыков критического и аналитического мышления у студентов, формирование интереса к предметам и развитие рефлексии в процессе рефлексивного подхода.

## **Ключевые слова:**

рефлексия, патриотизм, способности, мышление, историческая память, возможность, стиль, образование, активность, знания, координация, предмет, мировоззрение, степень.

Педагогик жараёнларда рефлексив таълимий мұхитни вужудға келтириш ўқувчи-талабаларнинг шахсий тушунчаларини ривожлантириш, ўрганилаётган мавзуга, унингаҳамияти, мазмун-моҳиятига қизиқиши шакллантириш асосида уларнинг фаоллигинитаъминлашга хизмат қиласи.

Адабиётларда рефлексия тушунчаси фикрлаш, ўз-ўзини англаш, ўзини-ўзи назораткилиш; ўзининг шахсий хатти-харакатлари ва уларнинг оқибатларини англаш учунйўналтирилган фаолият, инсоннинг назарий фаолиятларининг шакли, яъни ўтмишга(орқага) мурожаат қилиш сифатида талқин этилади.

Педагогик адабиётларда педагогик рефлексия ўқитувчининг ўзини ва ўз хатти-харакатларини объектив баҳолаш, ўқувчи-талабалар томонидан ўзини қандай қабулқилинаётганлигини, энг аввало, у мулокот жараёнида кимлар билан ўзаро таъсирдаэканлигини тушуниш қобилияти, деб келтирилади. Баъзи адабиётларда рефлексия ўзини-ўзи англашнинг тасвирланиши, мулокотжараёнида субъектнинг сұхбатдош сифатида қандай

қабул қилинаётгандыгынан аныктайылғанда, субъекттің мұнамони ва унинг вужуда келиш сабабларини күра олиши, аниқлаши, үрганиши ва таҳлил қила олиш қобиляти сифатыда келтирілади. Педагогик жараёнларда рефлексив ёндашув ўқувчи-талабаларни маълум биртушунча түғрисида тасаввур хосил қилишга, яъни үрганилаётган тушунчаларнинг ахамиятини үрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида уларда асосланған тушунчалар шакллантириш ёки ўтмишдаги муносабатларни үрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида ўз тарихий ўтмишсизни үрганишга қизиқиш ҳамда тарихий хотирани шакллантиришга хизмат қиласы. Ўқувчи-талабаларга Ватан ва ватанпарварлық, мустақиллик, унинг мазмун-моҳияти, ахамияти ва зарурияты түғрисида тушунчалар шакллантиришда рефлексив ёндашув ўзига хос ахамият касб этади, чунки ўтмишга мурожаат қилиш, яқин тарихимизни үрганиш орқали бизгача яшаб ўтган авлод-аждодларимизнинг ўз Ватанига, ҳалқига бўлган меҳр-муҳаббати ва садоқати учун бўлган муносабатларни ўқувчи-талабалар үрганиб яқин ўтмишда, совет хокимияти йилларида ҳалқимиз, миллатимиз бошига қандай машъум кулфат, таҳлика солиб турганини ҳис этади ва бугунгимустақиллик кунларининг қадрини янада чуқурроқ ва теранроқ англайди. Педагогик жараёнларда ташкил этиладиган рефлексив таълимий мухит ўқувчи-талабаларда танқидий ва таҳлилий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш варивожлантиришга ижодий таъсир кўрсатувчи мухит сифатыда хизмат қиласы. Чунки рефлексив ёндашув жараёнида ўқувчи-талабалар үрганилаётган мазуларнинг мазмун-моҳияти ҳамда ўтмишдаги ва бугунги кундаги ахамиятини мустақил равишда таҳлилқилиш ва объектив баҳолаш асосида хулоса чиқаради. Педагогик жараёнларда рефлексив ёндашув ўқувчи-талабаларнинг ривожланишига таъсир этувчи турли хил омиллар билан ўзаро алоқага киришади, бунда хатти-харакатларнинг мазмун ва моҳияти, мақсадга йўналтирилган ўзгартирувчи фаолиятнинг эҳтиёжини англаш мумкин бўлади, чунки ўзини-ўзи чуқур анграб етиш натижасида ўзурнини аниқлаш, ўзлигини исботлаш, ўзини-ўзи (харакатларини, феъл-атворини) маъқуллаш, ўзининг ички имкониятларидан, қобилятидан фойдаланиш, ўзини-ўзи бошқариш вужудга келади.

Педагогик жараёнларда ташкил этиладиган рефлексив таълимий мухит ўқувчи-талабаларда:

- мавжуд воқеликни қабул қилишда очиқ ва кенг мушоҳадали, сезгир заманамоларга нисбатан муросасиз бўлиш;
- ҳар томонлама ўйлаб кўриш асосида таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш;
- янги тушунчаларни үрганишда уларнинг ахамиятини инобатга олиш, мазкур тушунчаларга бўлган муносабатларнинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш, таққослаш;
- тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини варивожлантиришга таъсир кўрсатувчи;
- барча қарашлар, урф-одатлар, анъана, қадрият ва маданиятни яхлит ва ўзаробоғлиқлигини тушуниш;
- ўз дунёкашини кенгайтиришга ёрдам берувчи воқеа ва воситаларни үрганиш, билмаганларини ўзлаштириш;
- нотўғри тасаввурлар, хато ва қийинчиликларни енгид ўтишга, шунингдек, янгичадунёқарашни шаклланишига имкониятлар яратади. Ўқувчи-талабаларда таҳлилий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш рефлексив жараёнларга асосланади, яъни рефлексив таълимий мухитда ўқувчи-талабалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва таҳлилий фаолиятчун зарурый шарт-шароитларни вужудга келтириш, яъни воқеликни ва тушунчалар габўлган муносабатларни үрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида хулосаларчиқиришга ўқувчи-талабалар учун имконият яратиб бериш каби мухим ахамиятга эга бўлган вазифалар амалга оширилади.

Рефлексив ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларидан бири мазкур ёндашув асосида ташкил этиладиган таълимий мухитни ўқувчи-талабаларнинг таҳлилий фаолиятнинг ташкил этиш ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилганлиги бўлиб, мазкур жараёнда үрганилаётган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини, бугунги кундаги ахамиятини ўтмишдаги муносабатларни үрганиш асосида ўқувчи-талабаларни таҳлил қилиш ва объектив баҳолашга ундаш, уларнинг таҳлилий фаолият жараёнидаги ижодий ёндашувларини кўллаб-қувватлаш,

фаоллиги ва объективхулосаларини рағбатлантириш асосида амалга оширилган таҳлиллар натижаларига кўрауларнинг дунёқарашини ривожлантириб боришни назарда тутади.

Педагогик жараёнларда рефлексив таълимий мухит жараёнида ўқувчи-талабаларнинг таҳлилий фаолияти самарадорлигини таъминлашда уларнинг фаолиятиникузатиб бориш, таҳлилий фаолият натижаларини таҳлил қилиш, ўқувчи-талабаларўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш ва уларни рефлексив фаолиятиниташкил этиш асосида уларнинг фаолигини таъминлаш зарур хисобланади.

Педагогик жараёнларда рефлексив ёндашувни жорий этиш асосида рефлексивтаълимий мухитни вужудга келтириш ўқувчи-талабаларда ўтмиш ва келажак ҳақидагибоя тасаввурни шакллантириш, уларни таҳлилий фаолиятга ундаш ва улардарафлексияни ривожлантириш, ўқувчи-талабаларнинг шахсий тушунчаларини ривожлантириш, мустақиллик, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва заруриятини етарли

даражада ёритиб бериш орқали уларда тарихий хотирани шакллантириш, келажаккаишонч туйғуларини вужудга келтиришга хизмат қилади.

Педагогик жараёнларда рефлексив таълимий мухитни шакллантиришда шундайшарт-шароитларни яратиш зарурки, бунда ўқувчи-талабалар ўтмишни ўрганиш, яқинтарихимизда миллий анъаналар, урф-одатларимиз, расм-русумларимиз, қадриятларимизва она тилимизга бўлган муносабатларни танқидий англаш асосида мустақиллик, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва заруриятини тушуниб этиши ҳамда бугунги кундаяратилаётган шарт-шароитларни объектив баҳолаш имкониятига эга бўлсин. Бундай таълим жараёнининг асосини рефлексив ёндашув ташкил этади. Шундайэкан, педагогик жараёнларни ташкил этишда рефлексив ёндашувни жорий этиш асосидамазкур жараёнларни самарадорлигини таъминлаш мумкин.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда, яъни ўқувчи-талабаларни Ватанга садоқат, миллий ғурур, юксак ахлоқ ва буюк аждодлар маънавиймеросига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий, тарбиявий ишларжараёнида халқимизнинг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умумбашарий

қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик вабарқарорликни сақлаш, минтақамизда яшаётган миллатларнинг маданий, маърифий, маънавий тараққиёт илдизлари муштарак эканлигини тарғиб қилиш, диний экстремизм ва фундаментализмнинг асл моҳиятини ўқувчи-талабаларга очиб бериш жараёнларига рефлексив ёндашувни татбиқ этиш ўзига хос аҳамият касб этади. Ўқувчи-талабалар онгиде ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ва Ватанимиз равнақига хизмат қиладиган баркамол авлодни вояга етказиш йўналишидаги долзарб вазифаларни амалга ошириштаълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг барча жабҳаларини камраб олиши зарур.

Педагогик жараёнларда рефлексив ёндашув асосида рефлексив таълимий мухитни вужудга келтириш ўқувчи-талабаларнинг рефлексив фаолиятини ташкил этишни назардатутади. Рефлексив фаолият жараёнида ўқувчи-талабалар ўрганилаётган тушунчаларганисбатан ўтмишдаги ва бугунги кундаги муносабатларни ўрганади, таҳлил қилади ва объектив баҳолайди, натижада уларда мустақиллик, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти вазарурияти бўйича мустаҳкам тушунчалар шаклланади. Рефлексиф фаолият маънавий баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилади. Ватан, Ватан туйғуси, Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик, мустақил давлат, мулкий мустақиллик, адолат, анъаналар, қадриятлар, манфаат, урф-одатлар, расм-русумлар, умуминсоний қадриятлар, умуминсоний анъаналар, миллийлик, миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий қадриятлар, миллий манфаатлар, миллий ғурур, миллий анъаналар, миллий гоя, маънавият, маънавий жасоратва ҳ.к.

Педагогик жараёнларда ташкил этиладиган рефлексив таълимий мухитнинг асосини рефлексив фаолият ташкил этади. Рефлексив фаолият таҳлилий фикрлашга оид фаолият бўлиб, таҳлил қилиш, воқеа ва ҳодисаларни ўзаро боғлиқ ҳолда текшириш, ишончли ва асосланган маълумотларга асосан ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш асосида маълум бир воқеа ва

ходисаларга тегишли бўлган ва уларнинг келиб чиқишига ўзтаъсирини кўрсатадиган омилларни иккинчи даражали ҳисобланадиган ва бевосита таъсирикўрсата олмайдиган омиллардан фарқлаш, ходисаларни ва уни компонентларининг ўзаробоғлиқлигини ва алоқадорлигини ўрганиш ва таҳлил килиш асосида хулоса чиқаришдан иборат. Шундай экан, ўқувчи-талабалар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўлқўймаслик, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, Ватанимиз равнақигахизмат қиласидаги баркамол авлодни вояга етказиш ўйналишидаги долзарб вазифаларниамалга ошириш жараёнларида уларнинг рефлексив фаолиятини ташкил этиш ўзига хосаҳамиятга эга. Таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, педагогик жараёнларгаинновацияларни татбиқ этиш, ўқувчи-талабалар фаолиятини илмий асосда ташкил этишва мувофиқлаштириш самарадорлиги ўқувчи-талабаларнинг рефлексив фаолиятиниташикил этиш асосида уларнинг ички дунёси, тафаккури, дунёқарашининг ривожланишива маънавий баркамол шахс сифатида шаклланишини, яъни мазкур жараённингнатижавийлигини ифодалайди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Слободчиков В.И. О возможных уровнях анализа проблемы рефлексии//Проблемы логической организации рефлексивных процессов. – Новосибирск, 1986. – С.130.
2. Сухобская Г.С., Горбунова Л.Л. Взаимосвязь теории и практики в процессеподготовки и повышения квалификации педагогических кадров. – М.: НИИ ИОО АПН,1990. – 92 с.
3. Йўлдошев Ж. Ф. Ўзбекистон Республикаси таълимтараққиёти йўлида. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994.
4. Йўлдошев Ж. Ф., Аҳлидинов Р. Ш., Отабоева Р. Н. Мустақил Ўзбекистон таълими. – Тошкент: “Шарқ”, 1997.
5. Йўлдошев Ж. Ф. Таълим янгиланиш йўлида. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2000.
6. Аҳлидинов Р. Ш. Ўзбекистон Республикасида таълим муассасаси таълимитизимини бошқариш хусусиятлари(назарий-методологик жиҳатлар). – Тошкент:ЎзПФИТИ, 1997.